STOMATOLOGIYA

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ ISSN 2091-5845

№ 1, 2024 (94)

31 ЦВЕТОВАЯ ГАММА И СТЕПЕНЬ МИНЕРАЛИЗАЦИИ ПОСЛЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОТБЕЛИВАНИЯ ЗУБОВ

51 СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРТОДОНТИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДЕТЕЙ С ПЕРЕКРЕСТНОЙ ОКЛЮЗИЕЙ

60 БИОЛОГИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Содержание

ОРГАНИЗАЦИЯ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, ИСТОРИЯ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЙ РАЗДЕЛ

Ризаев Ж. А., Тўхтаров Б. Э. Валиева М.У. Шифокор стоматологлар организмининг функционал ҳолатини иш хафтаси динамикасида ўзгариши 5

Хасанов А.И., Аббосов О.М. Эпидемиологические аспекты травм челюстно-лицевой области среди населения города Самарканда 8

Махкамов М.Э., Артикбаев М.Б, Муртазаев С.С., Нигматов Р.Н., Юлдашев Т.А., Тулаганов Б.Б. Приоритеты современных методов компьютерных технологий для реабилитации детей с врожденной расщелиной верхней губы и неба в Республике Каракалпакстан 13

ТЕРАПЕВТИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Олимов С.Ш., Шарипова Г.И., Ходжаева Д.И. TORCH инфекцияси билан касалланган беморларда герпетик стоматитни текшириш усуллари 18

Раджабова А.Ф., Шадиева Ш.Ш. Сурункали тарқалган пародонтитниниг ошқозон-ичак яра касалликлари кечиши фонидаги беморларни текширишда фойдаланилган тадқиқот усуллари..... 24

Ирсалиева Ф.Х., Валиева Ф.А., Фархадова Н.В. Цветовая гамма и степень минерализации после профессионального отбеливания зубов 31

ХИРУРГИЧЕСКАЯ СТОМАТОЛОГИЯ

Boymuradov Sh.A., Ro'zibaev D.R., Narmurotov B.K. Yuqori jag' bo'shlig'i tubi perforatsiyasini keltirib chiqaruvchi sabablari. 34

Хасанов А.И., Собиров Ф.Г. Остеонекроз верхней челюсти после применения дезоморфина и их лечения 38

Боймурадов Ш.А., Рузибаев Д.Р. Курбанов Ё.Ҳ. Юқори жағ бўшлиғи туби перфорацияси даволаш натижалари 43

Content

ORGANIZATION, EPIDEMIOLOGY, HISTORY AND EXPERIMENTAL SECTION

Rizaev Zh. A., Tokhtarov B. E. Valieva M.Yu. Changes in the functional state of the body of doctors and dentists in the dynamics of the working week. 5

Xasanov A.I., Abbosov O.M. Epidemiological aspects of injuries of the maxillofacial region among the population of the city of Samarkand. 8

Makhkamov M.E., Artikbaev M.B., Murtazaev S.S., Nigmatov R.N., Yuldashev T.A., Tulaganov B.B. Priorities of modern computer technology methods for the rehabilitation of children with congenital cleft lip and palate in the Republic of Karakalpakstan 13

THERAPEUTIC DENTISTRY

Olimov S.Sh., Sharipova G.I., Khodzhaeva D.I. Methods for examining TORCH-infected patients with herpetic stomatitis 18

Radjabova A.F., Shadieva Sh.Sh. Research methods used in the examination of patients with chronic diffused periodontitis gastrointestinal on the ulcer disease 24

Irsalieva F.H., Valieva F.A., Farkhadova N.V. Color scheme and degree of mineralization after professional teeth whitening 31

SURGICAL DENTISTRY

Boymuradov Sh.A., Rozibaev D.R., Narmurotov B.K. Causes of perforation of the floor of the maxillary cavity 34

Khasanov A.I., Sobirov F.G. Osteonecrosis of the upper jaw after the use of desomorphine and their treatment 38

Boymuradov Sh.A., Ruzibaev D.R. Kurbanov Yu.Kh. Results of treatment of perforation of the maxillary floor 43

IBM PC/AT. / Нигматов Р.Н., Файзуллаев С.А., Камилов Х.П., Мартиросова И.С. //Сб. научных трудов: «Итоги научных исследований по актуальным вопросам медицинской науки и здравоохранения. Выпуск № 3. Книга № 2.- г.Ташкент, 1995. –С.- 206-208.

11. Планирование конструкции мостовидного протеза при помощи ЭВМ с учетом состояния опорных зубов. / Нигматов Р.Н., Хабилов Н.Л., Кадыров Р.Х. // Медицинский журнал Узбекистана. г.Ташкент, 1999. - № 4. - С.- 48-51.

12. Стоматолог / Решение о регистрации программы для ЭВМ/ Нигматов Р.Н., Нигматов Б.Х. / Патент РУз. № DGU 00436, Государственное патентное ведомство DGU 20010042., от 17.07.2001 г.

Терапевтическая стоматология

TORCH ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ГЕРПЕТИК СТОМАТИТНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Олимов С.Ш., Шарипова Г.И., Ходжаева Д.И.
Бухоро давлат тиббиёт институти

Тадқиқот даврида TORCh инфицирланган беморлар, Бухоро шаҳридаги “CARMEN PLUS”тиббиёт маркази базасида 2022–2023 йилларда олиб борилган ва Бухоро шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” ҳисобда бўлган, жами 582 нафар TORCH вируси билан оғриган беморлар текширилди. Шулардан тадқиқот мақсадида 150 нафар TORCH-инфицирланган герпетик стоматит билан оғриган 20-35 ёшли беморлар, шундан 58 нафар бемор эркаклар, 92 нафар бемор аёллар ва 30 нафар герпетик стоматит мавжуд лекин TORCH-инфицирланмаган беморлар ҳамда 30 нафар соғлом кўнгиллилар ажратиб олинди. Чунки 582 нафар беморлар орасида асосий касаллик фонидан ташқари бир неча йўлдош касалликлари мавжуд беморлар тадқиқотдан четлаштирилди (1-жадвал).

1-жадвал

Жами текширилган беморларда учрайдиган йўлдош касалликлари

Соматик касалликлар	Беморларнинг сони	
	абс.	M ± m, %
Сурункали гастрит (А, Б)	31	15,82±2,61
Сурункали холецистит	16	8,67±2,01
Сурункали гепатит (А, В, С)	8	11,22±2,25
Сурункали панкретит	28	6,12±1,71
Сурункали пиелонефрит	13	11,73±2,30
Қандли диабет	51	14,80±2,54
Сурункали энтероколит	21	7,65±1,90
Атеросклероз	42	4,08±1,41
Гипертоник касаллик	63	6,63±1,78
Қалқонсимон без касалликлари	38	6,12±1,71

Тадқиқот гуруҳларимизга танлаб олинган беморлар орасида асосий касаллик фони ва гипертония, атеросклероз касаллигининг енгил даражаси билан оғриган беморлар мавжуд.

Тадқиқотимизда танлаб олинган TORCH инфицирланган 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган беморларда герпетик стоматитлар хавфи юқори, деб ҳисобланган. Тадқиқот давомида айнан 18-35 ёшли беморлар тадқиқотга олинган чунки буларнинг жинсий етуклик ҳамда фарзанд кўриш қобилияти мавжуд давр бўлганлиги ҳисобига олинди ва TORCH-инфицирланган беморларнинг ёш даражалари гормонал ривожланишига кўра бўлинган (2-жадвал) (1-расм). 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёш гуруҳини 35 нафар (23,4%), 25 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёш гуруҳини 51 нафар (34,0%) беморлар ташкил қилди, 64 нафар беморлар 30-35 ёшгача (42,6%) тадқиқот давомида кузатув гуруҳи диапазонида бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот давомидаги TORCH-инфицирланган беморларнинг (асосий гуруҳ) ёш даражалари

Ёши	Асосий гуруҳи	
	бемор сони	%
18-24	35	23,4
25-29	51	34,0
30-35	64	42,6
Жами	150	100



1-расм. Тадқиқот давомидаги беморларнинг ёш даражалари диаграммаси, %.

Тадқиқотга киритилган, барча беморлар 3 та катта гуруҳга бўлинди бўлинди. Тадқиқот давомидаги барча текширилган беморларнинг жинс бўйича ҳам бўлиниб ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқот давомидаги барча беморларнинг жинс бўйича бўлиниши

Гуруҳлар кесимида	18-24 ёш		25-29 ёш		30-35 ёш	
	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
Асосий, n=150	12	23	19	32	27	37
Таққослаш, n=30	3	5	4	7	5	6
Назорат, n=30	2	8	5	6	3	6
Жами	17	36	28	45	35	49

Асосий гуруҳ TORCH-инфицирланган герпетик стоматит мавжуд 150 нафар беморлардан ташкил топди. Таққослаш гуруҳ герпетик стоматит мавжуд TORCH-инфицирланмаган 30 нафар беморлардан ташкил қилди. Назорат гуруҳи беморлари 18-35 ёш оралиғидаги 30 нафар кўнгиллилар гуруҳидан ташкил топди. Беморларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган (2-расм).



2-расм. Тадқиқотда текширилган беморларнинг жинс муносабати.

Тадқиқот давомида барча иштирокчилар тадқиқотни олиб боришнинг мақсади ва вазифаларини ўз ичига олувчи “Бемор учун маълумотлар” билан ёзма ва оғзаки шаклда таништирилди ҳамда ўтказилаётган тажрибада иштирок этишга “тадқиқот иштирокчиларининг розилиги хати” шакли билан танишиб ҳар бир бемор розилик билдириб, имзолади.

Тадқиқотга киритиш мезонлари:

1. Беморларнинг тадқиқотда иштирок этишга хабардор ёзма розилиги;
2. 18 дан 35 ёшгача бўлган беморлар;
3. Шифокор-стоматологнинг тавсияларни бажаришга тайёрлик.

Тадқиқотга киритмаслик мезонлари:

1. Мос келмайдиган ёш гуруҳи;
2. Жарроҳлик амалиётидан сўнг;
3. Ёндош патология мавжудлиги: иммун танқислиги ҳолати, аутоиммун ва онкологик касалликлар;
4. Ҳомиладорлик ва лактация.

Тадқиқотдан чиқариш мезонлари:

1. Исталган босқичда тадқиқотда иштирок этишдан ихтиёрий бош тортиш;
2. Тадқиқот даврида соматик касалликларининг аниқланиши;
3. Ҳомиладорлик;
4. Шифокорнинг тавсиялари ҳамда диспансер кузатуви босқичларини бузиш.

Тадқиқот ишининг дизайни

Илмий-клиник иши ихтиёрий иштирокчиларда олиб борилган обсервацияли, назорат қилинадиган, рандомизациялашмаган, проспектив, когорт тадқиқот дизайнига мувофиқ бажарилди (4-жадвал).

4-жадвал

TORCH-инфицирланган беморларда герпетик стоматитларни текширишда амалга оширилган текшириш усуллари

Тадқиқот давомида амалга оширилган текшириш усуллари	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳ	Назорат гуруҳи
Клиник-стоматологик текширув: - КПУ - OHI-S (Oral Hygiene Indices-Simplified) - PMA - Russel (PI) бўйича ПИ пародонтал индекс - Пародонтал чўнтакларнинг чуқурлиги - Пародонтитнинг оғирлик даражаси - Мюльмен бўйича қонаш синамаси - М.М. Пожарицкая усули бўйича сиалометрия - сўлак қовушқоқлигини ўлчаш	150	30	30
TORCH таҳлили	150	30	30
ПЗР текширув	150	30	30
Цитологик текширув	150	30	30
Иммунологик текширув	150	30	30
Статистик қайта ишлаш усуллари	150	30	30

Тадқиқот натижасида биз комплекс, клиник-лаборатор тадқиқот ўтказишда “CARMEN PLUS”тиббиёт марказилаборатория бўлимида клиник-стоматологик, лаборатор текширишлар (бўлим мудири (PhD), Б.К. Шукуров томонидан, 2022-2023 йилларда) ва цитологик текширишларни Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали клиник-морфология текширув бўлимида (бўлим мудири М.Ж. Ҳамроев бошчилигида, патанатом-гистолог врач М.Р. Ҳамраева томонидан, 2022-2023 йилларда) ўтказилган.

TORCH-инфицирланган беморларда герпетик стоматитларни текширишда иштирокчиларда анкета “сўровнома”ни ўтказиш

Биринчи босқичда қоғозда ёзма анкета сўровномаси олиб борилди. Ушбу усул ёрдамида иштирокчилар оғиз бўшлиғига учрайдиган герпетик стоматитлар ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига тегишли бўлган субъектив ҳисларни қайд этишди: милклардан қон кетиши, оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватини қуруқлиги, ачиши, оғиз бўшлиғидан ёқимсиз ҳид ва таъм келишига ёзма шикоят қилишди. Анкета пубертат даврни белгиларини аниқлаш имконини берувчи 30 та саволдан ташкил топган сўровномани ўзида намоён этади.

TORCH-инфицирланган беморларда герпетик стоматитларни текширишда стоматологик ҳолатни баҳолаш усуллари

TORCH-инфицирланган беморларда герпетик стоматитларни текширишда тадқиқотнинг мақсади ва ишда белгиланган вазифаларга мувофиқ тадқиқот ишида иштирок этаётган барча беморларда комплекс текширув олиб борилди, беморларда TORCH-инфекциялари мавжудлиги туфайли улардан иммунологик текширувлар (бемор қон плазмасидан) анамнезнинг тўпланиши, оғиз бўшлиғи ва шиллиқ қават ҳолатини, шунингдек зарарланган тўқима соҳасидан суртма олиниб цитологик текширишни ўз ичига олди.

Беморларнинг клиник текшируви анамнез тўпланишидан бошланди. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари бўйича ирсий мойилликка алоҳида эътибор қаратилди, беморлар саломатлигининг умумий ҳолати, бошдан кечирилган ва ёндош касалликлар, дори препаратларининг қабул қилиниши баҳоланди, зарарли одатлар мавжудлиги аниқланди (чекиш, спиртли ичимликлар ичиши, энергетик ичимликлар ичиши, углеводга бой озиқ-овқатларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ва бошқалар). Сўровнома ҳамда анамнез тўпланиши давомида беморларда

шикоятлар ва уларнинг характери аниқланди (милклардан қон кетиши, унинг пайдо бўлиш характери: овқатланиш ёки тишларни тозалаш вақтида, оғиз бўшлиғининг ҳолати, тишларда юқори таъсирчанлик, тиш-жағ тизими фаолиятининг бузилиши).

Беморларнинг ташқи кўринишида юзнинг кўрсаткичлари, тери қопламалари, лабларнинг қизил ҳошиясининг ранги баҳоланди, регионар лимфа тугунларининг пальпацияси ўтказилди. Шунингдек чакка-пастки жағ бўғимининг ҳолати ўрганилди, пастки жағда ҳаракат характери, шунингдек шиқиллаш ва оғриқ мавжудлиги баҳоланди.

Оғиз бўшлиғи кўрикдан ўтказилганида тил ва лаб юганчаларининг жойлашуви, оғиз даҳлизининг чуқурлиги баҳоланди, тил, танглай, бодомсимон без текширилди. Оғиз бўшлиғида шиллиқ қаватнинг ҳолати, унинг ранги ва намланганлик даражаси баҳоланди. Шиллиқ қаватда патологик ўзгаришлар аниқланди. Тиш қаторлари рўйхатга олинганида кариес, пломбаланган ва олиб ташланган тишлар, шиналовчи тузилмалар, олиб қўйиладиган ва олиб қўйилмайдиган ортопедик конструкциялар мавжудлиги қайд этилди, пародонт тўқималарининг ҳолати индекс баҳоланди. Шунингдек тишларнинг нокариоз шикастланишига эътибор қаратилди: эрозиялар, понасимон нуқсонлар, тишларнинг патологик емирилиши инобатга олинди.

Тишларнинг кариес билан шикастланиши пломбаланган ва олинган тишларнинг кариоз бўшлиғи мавжудлигида ташхис қилинди – КПУ. Кариес тишларнинг қаттиқ тўқималарини шикастланиш чуқурлигини ҳисобга олиб кариоз бўшлиқ ривожланишининг аниқланган клиник аломатлари асосида ташхис қилинди. Беморларнинг стоматологик кўригида кариес билан зарарланишнинг қуйидаги асосий кўрсаткичлари кўзда тутилди: интенсивлик ва интенсивликнинг ўсиши – ЖССТ номенклатурасига биноан. Интенсивлик деганда бир кишида (индекс КПУ) зарарланган тишларнинг ўртача сони кўринишида ифодаланган, тишларнинг кариес билан шикастланиш даражаси тушунилади (кариес – К.к; пломбаланган – П.п; олинган (О) ёки олиниши лозим бўлган – О.о); доимий тишловда КПУз (тишлар) индекси ҳисобланди. Текширилган беморларнинг барча гуруҳлари учун КПУ ўтказилган кўриклар асосида КПУ нинг ташкилий элементлари бўйича унинг кўрсаткичларини баҳолаш усулидан фойдаланилди. КПУ индексининг ташкилий элементларини ўрганиш тишларнинг ҳақиқий ҳолати ва стоматологик ёрдамни ташкиллаштириш даражаси тўғрисида аниқ ва ахборотли маълумотлар беради. Кариес интенсивлигининг ўсиши маълум кузатилган муддат ичида (1 йил ичида) кўрикдан ўтказилган бир кишининг тишларида кариес билан янги зарарланишлар ҳосил бўлиши интенсивлиги бўйича баҳоланди. Бу кўрсаткич абсолют катталикларда ҳисобланди ва “TORCH-инфицирланган беморларда герпетик стоматитларни индивидуал стоматологик текшириш картаси”га киритилди. Кариес интенсивлигининг характеристикаси нафақат кариоз тишларнинг сони, балки кариес билан зарарланган юзаларнинг сони асосида тўлиқ аниқланар экан, биз барча текширилувчиларда динамикада КПУ (юзалар) индексни ўргандик. Бу кўрсаткич бўйича кариес интенсивлигининг ўсиши ҳар йили аниқланди.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов М.А., Косимова Р.И. Клинико-лабораторные особенности герпетической инфекции у детей // Экономика и социум. – 2021. – №10 (89).

2. Алексеева М.Л., Колодько В.Г., Муллабаева С.М. и др. Некоторые инфекции TORCH-комплекса // Пробл. репрод. – 2022. – №4 – С. 12-20.

3. Камилов Х.П., Камалова М.К. Современные подходы в лечении хронического рецидивирующего герпетического стоматита у детей // Достижения науки и образования. – 2018. – №3 (25).

4. Облокулов А.Т., Саидмуродова Ж.Б. Фитотерапия при лечении острого герпетического стоматита у детей // Re-healthjournal. – 2020. – №2-2 (6).

5. Олимов С.Ш., Шарипова Г.И. Турли ёшдаги беморларда герпетик стоматитни даволаш самарадорлигини ошириш // Тиббиётда янги кун. – 2023. – №5 (58). – Б. 271-276.

6. Рахмонова Ф.М. Сравнительная оценка результатов лечения острого герпетического стоматита // Науч. журн. – 2019. – №4 (38).

7. Шарипова Г.И., Олимов С.Ш. Беморларда герпетик стоматитни даволаш самарадорлигини такомиллаштириш// Гуманитар ва табиий фанлар журнали. – 2023. – №3 (09). – Б. 16-21.

8. Brookes Z.L.S., Bescos R., Belfield L.A. et al. Current uses of chlorhexidine for management of oral disease: a narrative review // J. Dent. – 2023. – Vol. 103. – P. 103497.

9. Cook K.C., Cristea I.M. Location is everything: Protein translocations as a viral infection strategy // Curr. Opin Chem. Biol. – 2022. – Vol. 48. – P. 34-43.

10. Drayman N., Karin O., Mayo A. et al. Dynamic Proteomics of Herpes Simplex Virus Infection // mBio. – 2020. – Vol. 8. – P. e01612-e01617.

11. Hashimoto Y., Sheng X., Murray-Nerger L.A., Cristea I.M. Temporal dynamics of protein complex formation and dissociation during human cytomegalovirus infection // Nat. Commun. – 2020. – Vol. 11. – P. 806.

12. Kulej K., Avgousti D.C., Sidoli S. et al. Time-resolved Global and Chromatin Proteomics during Herpes Simplex Virus Type 1 (HSV-1) Infection // Mol. Cell Proteomics. – 2021. – Vol. 16. – P. S92-S107.

13. National Institute for Health and Care Excellence. Herpes simplex–oral. – 2020.

Аннотация. Исследованиям, направленным на совершенствование лечения заболеваний слизистой оболочки полости рта у больных, инфицированных TORCH, в мире уделяется особое внимание. Основными целями таких исследований является определение клинико-функциональных особенностей специфического течения синдромов воспалительных вирусных заболеваний, ассоциированных с заболеваниями полости рта в современной стоматологии; разработка комплексного поэтапного плана подхода, учитывающего соматическое состояние пациентов. Особое значение имеет совершенствование методов оценки эффективности лечения.

Ключевые слова: TORCH-группа, герпетический стоматит, цитомегалия, вирусная инфекция.

Аннотацияси. Дунё TORCH билан касалланган беморларда оғиз мукозаси касалликларини даволашни яхшилашга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундай тадқиқотларнинг асосий вазифалари замонавий стоматологияда оғиз касалликлари билан боғлиқ яллиғланишли вирусли касалликлар синдромларининг ўзига хос курсининг клиник ва функционал хусусиятларини аниқлаш; замонавий стоматологияда қўлланиладиган босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш. беморларнинг соматик ҳолатини ҳисобга олади. Даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: TORCH-гуруҳи, герпетик стоматит, цитомегалия вирусли инфекция.

Summary. The world is paying special attention to research aimed at improving the treatment of diseases of the oral mucosa in patients infected with TORCH. The main goals of such studies are to determine the clinical and functional features of the specific course of inflammatory viral disease syndromes associated with oral diseases in modern dentistry; development of a comprehensive step-by-step approach plan that takes into account the somatic condition of patients. Of particular importance is the improvement of methods for assessing the effectiveness of treatment.

Key words: TORCH group, herpetic stomatitis, cytomegaly, viral infection.